ЎзССР Давлат китоб Палатаси
211295

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 12 декабрь, сешанба. №150. (21.913). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 декабрь куни Россия тадбиркорлари ва саноатчилари уюшмасининг раиси Аркадий Вольский ҳамда Россия бирлашган саноат партияси раиси Владимир Шчербаковни қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон ҳамда Россия ишбилармонлари ва саноатчилари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, савдо-сотиқ ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

А. Вольский учрашув олдидан мухбирларнинг саволларига жавоб бера туриб, Россия ҳамда Ўзбекистон саноатчилари ва тадбиркорлари алоқаларини ривожлантириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ўзбек ҳамкасблари билан муҳокама этиш учун бу ерга келганини таъкидлади. Улар сирасига келгуси йил февраль ойида Тошкентда Ўзбекистон ва Россия саноатчилари учрашувини уюштириш, товарлар биржасини ташкил этиш, қароргоҳи Тошкентда жойлашадиган «Ўзбекистон-Россия савдо уйи» қўшма корхонасини тузиш, янги самолётлар ишлаб чиқариш соҳасида Киевдаги Антонов номли авиация конструкторлик бюроси, Самара ва Тошкент авиация заводлари ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтариш каби масалаларни киритиш мумкин.

А. Вольскийнинг фикрича, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни ҳар иккала мамлакатнинг имкониятлари даражасига кўтариш учун, аввало, қонунларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Масалан, Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва уларни кафолатлаш тўғрисида қонунлар қабул қилинган. Россияда ҳам энди ана шундай қонунлар қабул қилиш керак. Шунинг учун ҳам кўпгина хорижий фирмалар Россиядан Ўзбекистонга келмоқда. Бунинг сабаби Ўзбекистондаги мавжуд барқарорлик, сармоядорлар ва ишбилармонларга яратилган қулай шароитлардир.

(ЎзА).

Истиқлол ва истиқбол

МИЛЛИЙ ИШЧИ КАДРЛАР ЗАРУР

Ўзбекистонда миллий ишчи муҳандис, техник, саноат кадрлари тайёрланиши айни кезда заруратга айланмоқда. Чунки туб ерли аҳолидан мутахассислар тайёрлашга республикамизда мустақилликка эришганга қадар етарли эътибор берилмади. Ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бу муҳим иқтисодий масалага айланяпти. Ана шу йўналишда йўл қўйилган камчиликларни бирма-бир бартараф этиб, кескин тадбирлар кўриш лозим. Ахир, миллий кадр ўз корхонасининг, элининг манфаатини кўпроқ ўйлайди, унинг янада равнақ топиши учун қайғуради. Бу борада таклифлар киритишни лозим, деб топамиз.

Биринчидан, умумий таълим мактабларининг юқори синфларида ёшларни касбга йўллашни, мактабда ҳунар ўрганишга тайёрлашни амалга ошириш мақсадида ўрта мактабларда иқтисодий билим беришни яхши йўлга қўйиш масалалари кун тартибидан жой олиши керак. Шуниси ачинарлики, иқтисодий фанларнинг ўқитилишига етарли эътибор берилмасдан келинади. Фақат умумий иқтисодий фанларгина эмас, балки саноатнинг айрим муҳим тармоқларини ўргатувчи, иқтисодиётга бағишланган ўзбекча ўқув дастурлари кўпда кўзга ташланмаётир. Борлари ҳам факультатив. Яъни иккинчи даражали ўринда туради. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида ўрта мактабларда иқтисодий таълимни жорий қилиш фақат меҳнат дарси билан чегараланади, деб ўйлашса керак. Ҳолбуки, «Ўқитувчи» нашриётининг истиқбол режаларида иқтисодий фанлар бўйича дарсликлар яратиш кўзда тутилмоқда. Тўғри, ҳозир иқтисодий таълим бўйича бир неча лицей ўз ишини муваффақиятли амалга оширмоқда. Бу ўринда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги лицей намунали деса бўлади. Бундай лицейлар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг тажрибасини умумлаштириш керак. Шу давргача ишчи кадрлар тайёрлашда техникумларнинг салмоғи кўзга кўринарли эди. Уларнинг фаолияти бозор иқтисодиёти талабаларига кам мослаштирилганлиги сабабли бу муаммони ечолмаяпти.

Бизнингча, яқин йилларда Меҳнат вазирлиги таркибида меҳнат резервлари бошқармаси ташкил қилиб, ўрта савиядаги турли ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш муаммолари билан алоҳида ва жиддий шуғулланиш керак. Эҳтимол, саноат учун кадрлар етиштирувчи айрим махсус ўқув юртларини республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибидан бўлажак меҳнат резервлари бошқармаси ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шуни айтиш керакки, республикамизда фақат саноат тармоқларигина эмас, балки хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам ерли миллат кишилари меҳнатга кам тортилган. Масалага чуқурроқ ёндошсак, уй-жой, коммунал хўжаликларда транспорт, радио, телевизор ва бошқа уй-рўзғор жиҳозларини таъмирловчи корхоналарда айниқса, қурилиш индустриясида миллий мутахассисларни кам учратамиз. (Албатта, савдо ва таъминот соҳаси бундан мустасно).

Қишлоқ жойларда тадбиркорлар ташаббуси билан ўрта ва кичик корхоналар (шу ҳисобда гишт заводлари, тегирмонлар, ҳатто гилам, газлама ишхоналари, мева ва консерва ишлаб чиқарувчи соҳалар)нинг қад кўтараётганлиги бизни қувонтиради. Лекин артистларсиз спектакль кўрсатиб бўлмаганидек, мутахассис кадрларсиз ишлаб чиқаришни узлуксиз кенгайтириб бориш осон эмас.

Шу муносабат билан айтмоқчимизки, бу муҳим муаммо янада чуқурроқ ўрганилса айни муддао бўлур эди.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори.

Бу дунёнинг ишлари

САМОЛЁТ НОМ-НИШОНСИЗ ЙЎҚОЛДИ

Ўтган пайшанба куни Россия «Аэрофлот»ига қарашли Ту-154 самолёти Жанубий Сахалин — Хабаровск — Улан-Удэ — Новосибирск маршрути бўйича учаётганида тўсатдан ном-нишонсиз йўқолиб қолди. Ушбу самолёт бортида 89 нафар йўловчи ва 8 экипаж аъзоси бор эди. Самолёт билан алоқа у Жанубий Сахалиндан учгач 20 дақиқа ўтгандан сўнг узилиб қолди.

Йўқолган Ту -154 самолётини қидириш учун Россия ҳарбий ҳаво кучлари томонидан қидирув-қутқарув гуруҳи ташкил этилиб, улар шу минтақада қидирув ишларини бошлаб юбордилар. Ҳозирча бирон-бир натижа маълум эмас. Ҳарбийлар қидирувни давом эттиришаяпти.

ПАРЛАМЕНТДАГИ ОЛИШУВ

Яқинда Тайван парламентининг мажлисларидан бирида депутатлар қонун муҳокама қилиш қолиб кетиб, ўзаро дўппослашувга ўтиб кетдилар. Ноиблардан бири парламент раиси қўлидаги микрофонни тортиб оламан деб, унинг қўлини синдираёзди. Бошқа бири эса спикер қўлидаги ёғоч болғани олиб, ўзига сиёсий мухолиф бўлган депутатнинг бошига ура кетди.

Шарҳловчилар фикрига кўра, яхшиям ҳозирча парламент тўлиқ таркибда иш олиб бораётгани йўқ. Улар ўтган кунги сайловлардан кейин бўш ўринларни янги депутатлар эгаллашадиган бўлишса, бундан кейин куч ишлатиш янада зўрайиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

ЛЕНИН СЕВГАН АЁЛ

Инқилоб доҳийси Ленриннинг рафиқаси Надежда Крупская эканлигини кўпчилигимиз «СССР тарихи» китобидан ўқиб билганмиз. Бироқ, Владимир Ильич севган яна бошқа бир аёл бўлганлигини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Россиялик ҳарбий тарихчи олим Дмитрий Волкогоновнинг яқинда чоп этилган «Етти доҳий» китобида бу ҳақда қизиқ фактлар келтирилади.

Владимир Ульянов (Ленин) 28 ёшида ўзидан бир ёш катта Н. Крупскаяга уйланади. Кейинчалик 1909 йилда Ленин оиласи Парижга борганида Владимир Ильич гўзал бир француз аёли — Инесса Армандга ошиқ бўлиб қолади. Собиқ Иттифоқ даврида В. Ленин ва И. Арманд ўртасидаги ёзишмалар кўпчиликдан сир сақланиб келинган эди. Бу хатларнинг асосий қисмида инқилобга оид ёзишмалар бўлиши билан бир қаторда ўзаро шахсий алоқалар ҳақида ҳам фикр юритилган. Дарвоқе, Инесса Арманд хоним Ленин билан бирга Россияга келади. Бу ерда касал бўлиб, 1920 йилнинг 24 сентябрида вабодан вафот этади.

УЙҚУДАН УЙҒОНИБ ЎЗИНИ КЎЧАДА КЎРДИ

Норвегиялик солдат йигит Оле Кристиан Теркелсен Рождество байрами арафасида уйига рухсатнома олиб, йўл-йўлакай ҳарбийлар учун махсус қурилган меҳмонхонада дам олди. Кечки пайт у ўз хонасига кириб, уйқуга кетди... ва эрталаб кўзини очганда ўзини кўчада кўрди. Унинг боши, қўл-оёқлари кучли оғриқдан қақшарди. Оле Кристиан шу пайтнинг ўзидаёқ «Санвирке» суғурта фирмасига мурожаат қилиб, бахтсиз ҳодиса туфайли ўзига компенсация берилишини талаб қилди. Бироқ, унга рад жавобини беришди.

Бу воқеага ҳам мана уч йил бўлиб қолди. Лекин ёш солдат 3 йил давомида судма-суд юриб, бир сўзли йигит эканлигини амалда исботлади. Сўнгги тортишувлардан кейин яқинда суғурта фирмаси ҳарбий идора билан биргаликда Оле Кристиан Теркелсенга 212 минг Норвегия крони (қарийб 33 минг доллар) миқдорида компенсация тўлашга мажбур бўлди. Оленинг айтишига қараганда, у воқеа юз берган куни спиртли ичимлик ҳам, наркотик модда ҳам истеъмол қилган эмас. Лекин қандай қилиб меҳмонхона тўшагидан кўчага чиқиб қолганини ўзи ҳам шу пайтгача аниқ билмайди.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ҳисобот-сайловлар

КАМЧИЛИКЛАР РЎЙ - РОСТ ОЧИБ ТАШЛАНДИ

Хўжайли туманидаги «Қорақалпоғистон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида амалга оширилган ва оширилмай қолган ишларга баҳо берилди.

Бошланғич партия ташкилоти котиби С. Давлетов ҳисобот маърузасида ва музокараларда қатнашган овул оқсоқоллари йиғини раиси С. Собиров, учинчи цех партия ташкилоти котиби М. Алланазаров, механизатор О. Маткаримова, меҳнат фахрийси Т. Боймуродов, бирлашма раиси Б. Ёнаберганов ва бошқалар ўтган тўрт йилда партия ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталдилар.

Танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида овулларга саноат корхоналарини кўчириб келтириш, ишсизларни, айниқса уй бекаларини, ёшларни иш билан таъминлашдаги камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Йиғилишда Сафарбой Давлетов бошланғич партия ташкилоти котиби этиб сайланди.

Партия йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарорлар қабул қилинди.

Е. РЕЙИМБОЕВ.

СУТ ЎРНИГА ЗАРДОБМИ?

Кўнғироқ

Навоий вилоятида нима кўп? У ёки бу маҳсулот турини ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари кўп. Улар қаторига Навоий сут заводини ҳам кўшиш мумкин. Замонавий асбоб-ускунага, илғор технологияга эга бўлган завод нафақат шаҳар аҳолисини, балки Конимех, Томди, Нурота чорвадорларини, Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод кончиларини ҳам сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш қувватига эга. Бироқ ана шундай имкониятга ва етарли маҳсулотга эга бўлган бу завод эндиликда зарар билан ишлаётган корхоналар қаторига тушиб қолди. Бозор муносабатлари даврига келиб, корхона бутунлай пароканда-ликка юз тутди. Хўш, нега шундай? Нима Навоийда сут йўқми? Ёки завод билан фермерлар жамоалари шартнома тузмаганми?!

Йўқ, аксинча, сут ҳам, шартномачи ҳам етарли. Фақат заводда хўжалик юритиш, ишга янгича ёндошиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Айниқса, бу ердаги бошбошдоқлик, кадрлар қўнимсизлиги ишнинг белига тепяпти. Кадрлар қўнимсизлиги деб бекорга ўрғу бермаяпмиз. Атиги уч йил ичида заводда учта раҳбар алмашди. Айни пайтда завод эмас, Навоий сут ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган бу корхонага янги раҳбар бўлиб келган Раҳмат Эргашевнинг ҳам боши қотган. Қандай қилса, иш олдинга босади?

Заводнинг боши берк кўчада, дейишимизнинг боиси бор. Ҳиссадорлик жамияти айни пайтда Навоий тумани ва хўжаликларидан 17 миллион сўмдан ортиқ қарз. Масалан, биргина Қизилтепа тумани фермалари жамоаси ўз вақтида топширилган сут учун 5,5 миллион, навбаҳорлик чорвадорлар эса ўз маҳсулотлари учун 5,2 миллион сўм пулни олломай сарсон-саргардон бўлиб юришибди. Бундай ачинарли аҳвол чорвачилик фермалари ва фермерларини тамоман танг аҳволга солиб қўймоқда. Ҳатто айрим чорвадорлар ойлик маош у ёқда турсин, йиллик ҳақларини ҳам ололмай қийналиб юришибди.

Ҳиссадорлик жамиятидагилар эса ваъдани қуюқ қилишдан нарига ўтишмаяпти. Бугунги кунда аҳвол шу даражага бориб етдики, Навоий туманидаги «Нарпай», «Зарафшон», «Маданият», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари чорвадорлари ўз маҳсулотларини Навоийга эмас, аксинча Каттақўрғон сут заводига топширишга мажбур бўлишяпти. Чунки улар ўз вақтида пулни ҳам, емни ҳам топиб беришяпти!

Ҳа, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Наҳотки, энди иқтисодий ислоҳотларни ўз бошидан кечираётган сут ҳиссадорлик жамиятини инқироздан — боши берк кўчадан чиқариш шунчалик мушкул бўлса?!

Бу ўринда Навоий шаҳар ва вилоят ҳокимлигининг амалий кўмаги ниҳоятда зарур. «Ўзгўштсутсаноат» ассоциациясидаги мутасадди раҳбарлар ҳам Навоий сут заводига моддий ва маънавий ёрдамни аямасликлари керак. Акс ҳолда корхонадаги тонна-тонна сариёғ, кўплаб қаймоқ ва пишлоқ харидорсиз, сифатини йўқотиб ётаверади. Худди шу маҳсулотга харидор камлиги боис ўтган ўн ойлик режалари 688 минг сўмлик зарар билан якунланди. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, йил кирим билан эмас, чиқим билан тугайди. Оқибатда меҳнатига яраша маблағ кутаётган чорвадорлар сут ўрнига яна зарда-зардобни олаверишади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Экология

БИЛГАНГА КОНИ ФОЙДА...

Экологик аҳволни яхшилаш вазифаси ҳеч қачон долзарблигини йўқотмаса керак. Айниқса, йирик саноат корхоналарига эга бўлган Тошкент вилояти шаҳарларида ушбу масала доимий эътиборда. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлаётган зарарли чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш масалалари қатъий назоратга олинган ва муайян силжишлар бор. Жумладан, Бўстонлиқ туманидаги Яккатут қўрғони ҳудудида кон қазиш ишларидан кейин ҳосил бўлган зарарли чиқиндиларни бартараф этиш бўйича бирмунча юмушлар амалга оширилди. Яъни, бу жойдан ер ости сувлари узоқлаштирилди. Махсус тарнов канали қурила бошланди.

Ўзбекистон металлургия заводи, «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқиндиларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар барпо этилди. Ангрен очиқ кўмир кони, Янги Ангрен туман электр станциясида чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича заводлар қурилиши режалаштирилган. Юқоридаги электр станция омборларида сақланаётган бир неча миллион тонна кул ва шлаклардан эса халқ хўжалигида фойдаланиш йўллари қидирилмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Обуна — 96»

БИР КОРХОНАДА 40 НАФАР МУШТАРИЙ

Яқинда Чироқчи, Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларида бўлдим. Қизиққаним: кишилар газетамизга обуна бўляптими? Бу борада Чироқчи тумани халқ таълими бўлими мудири Мингбой Турсунов шундай дейди:

— Пахта ташвишларидан қутулгач, обунага қизғин киришдик. Ўқитувчи ва ўқувчиларимиз «Маърифат», «Ўзбекистон овози», «Тонг юлдузи» каби газеталарга ўз хоҳишлари билан ёзилмоқдалар. Биргина «Ўзбекистон овози»ни келгуси йил мунтазам ўқийдиган ўқитувчиларимиз ҳозирданоқ юздан ортиқ. Бу охирги натижа эмас. Ҳар бир тарих ўқитувчимиз албатта отахон газетага обуна бўлади. Мавсум охиригача яна 200 дан ортиқ мураббий-ўқитувчимизни обуна қиламиз.

Қувончлиси туманда обунага жиддий киришилган. Туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ёрдамида фаоллар, фахрий зиёлилар биринчи навбатда ташкилотлар ва жамоалар ҳисобидан обуна қилинмоқда. Масалан, туман марказий касалхонаси бош ҳакими Холиёр Қодировнинг 20 нафар тиббиётчини «Ўзбекистон овози»га пул ўтказиш йўли билан обуна қилганлигига гувоҳ бўлдик. У яна 20 кишини бепул обуна қилажагини айтди.

Яккабоғ тумани марказидаги «Иссиқ нон» ишлаб чиқариш корхонаси эътиборимизни тортди. У Яккабоғ дон маҳсулотлари жамоа корхонасига қарашли экан. Ишбилармон раҳбар Ғуломхон Қурбонов жамоа аъзоларидан 40 нафарини газетамизга обуна қилибди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ

Газетамизнинг фуқаролар учун обуна баҳоси
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 1210,80 сўм.
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



Ўзбекистон шаҳарлари

ШИРИН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Сирдарё вилояти Ширин шаҳри ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Исроил ЭРБЕКОВ билан суҳбат

— Исроил Йўлдошевич, сўнгги пайтда нурчилар маскани — Ширин шаҳрининг кўрки янада очилиб кетибди. Одамлар ҳам ўз шаҳарларини кўпроқ мақтайдиган бўлиб қолибдилар. Буларга нималар ҳисобига эришаётирсизлар?

— Шаҳарнинг ташқи кўриниши, агар таъбир жоиз бўлса, унинг иқтисодий аҳволи билан чамбарчас боғлиқдир. Биз энг аввало, шаҳримизнинг иқтисодий муаммоларини ҳал этишга, шу орқали уни обод ва гўзал масканга айлантиришга интилаётирмиз. Мустаҳкам иқтисодий таянчга эга бўлмаган ҳар қандай тадбирнинг охир-оқибатда яхши самара бериши қийин, албатта.

— Шу ўринда нималарни кўзда тутаётирсиз?

— Бозор иқтисодиёти тўлқинлари ҳаммамизни катта синовлардан ўтказмоқда. Лекин кимки бу тўлқинларда бекарор оқаверадиган бўлса, тез орада четга чиқиб қолиши турган гап. Вазият эса юртимиз тарихида улкан босқич ҳисобланадиган ҳозирги даврда тезлик билан калаванинг учини топиб, тадбиркорона иш юритишни талаб этади. Биз ишлаб чиқаришни янги давр талаблари асосида йўлга қўйишни ўзимизнинг энг муҳим вазифаларимиздан деб белгиладик. Бу ишларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ, яъни орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас ижобий самарасини кўрсатмоқда.

— Бунга мисоллар борми?

— 67-кўприк қурилиши бўлинмаси илгари шаҳримиздаги йирик, иқтисодий бақувват жамоалардан эди. Бироқ иқтисодий ислоҳотлар даврида ташкилот раҳбарлари ўзларини йўқотиб қўйдилар. Ташкилот буюртмачилардан айрилди, деярли 400 кишилик жамоада 80 кишига яқин одам қолди ва уларга ҳам деярли 5-6 ой давомида ойлик берилмади.

Бундай шароитда шаҳар ҳокимлиги тегишли республика идоралари билан ҳамкорликда амалий чоралар кўришга мажбур бўлди. Олдинги раҳбар ишдан олиниб, ўрнига тажрибали, жонкуяр мутахассис Сарибой Ермирзаевни тайинладик. Вазият ўзгара борди. Кўприксозлар ўтган йили деярли 30 миллион сўмлик иш бажаришга муваффақ бўлган эдилар. Бу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида эса 50 миллион сўмлик иш бажарилди. Унинг буюртмачилари кўпайди, жамоа сафи ҳам икки баробарга ўсди, ўртача ойлик иш ҳақи бу ерда 1800-2000 сўмни ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда ширинлик кўприксозлар республикамизнинг 5 та вилоятидаги йирик иншоотларда иш олиб бормоқдалар.

Ёки «Умид» хусусий кичик корхонасидаги ўзгаришларни олиб кўрайлик. Илгари у ҳам чор-ночор кун ўтказаётган, аниқроғи, тарқалиб кетиш арафасида турган жамоалардан эди. Ҳокимлик ёрдами билан вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасидан бир миллион сўмга яқин қарз олиб берилди, бошқа ёрдам чоралари кўрсатилди. Натижада бу ерда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми беш баробарга ортди, турлари кўпайди ва сифати яхшиланди. Ҳозир «Умид»нинг буюртмачилари нафақат Ширин шаҳри, балки вилоят ташқарисида ҳам кўпаймоқда. Улар халқимизга манзур бўладиган миллий моллар билан биргаликда турли корхоналар, ташкилотлар учун коржомалар, қўлқоплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Кичик корхона шу йилдаёқ 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Шаҳримизда янги ташкил топган «Мустақиллик», «Универсал», «Совот», «Сабилло» каби хусусий кичик корхоналар ҳам шу кунларда биз учун зарур бўлган қурилиш-монтаж, таъмирлаш ишларини амалга оширмоқдалар. Айни пайтда муҳим молларни ишлаб чиқармоқдалар. Жумладан, «Сабилло» ишбилармонлари жами 60 та чет эл тикув ва тўқув дастгоҳларини ўрнатиб, кўплаб қиз-жувонларимизни иш билан таъминладилар. «Совот» кичик корхонаси эса йўлларни таъмирламоқда. Уй-жой қурилишлари учун гишт ишлаб чиқармоқда. «Арцек» эса шаҳримиз ҳамда вилоятимиз учун зарур бўлган сим тўрлар, полиэтилен, плёнкалар тайёрламоқда. Энг муҳими, улар ривожланиб, шаҳримиз ғазнасига катта фойда келтирмоқда, тараққиётга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Шаҳардаги газ таъминоти, ичимлик сув таъминоти ва бошқа маданий-маиший соҳалардаги ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Шаҳримиз аҳолиси хонадонларининг юз фоизи газлаштирилган, 95 фоизи эса иссиқ сув билан таъминланган. Бу йил йўлларни кенгайтирдик, атроф-ларини ва хиёбонларни ободонлаштирдик. Иситиш тармоқларининг эскириб кетганидан кўпчилик аҳоли жабр кўриб келар эди. Ҳозирга қадар 6 километр иситиш тармоғини таъмирлаб, янгилашга муваффақ бўлдик. Бу борадаги ишлар давом этмоқда. Учта мактабдаги иситиш шахобчалари ҳам янгиланди.

Шаҳримиз бозорини икки гектарга кенгайтирдик. 18 та хусусий дўкондорларга янги қурилишлар учун ер ажратиб бердик. Ҳозир ана шу жойларда қурилишлар қизғин давом этмоқда. Транспорт қатнови яхшиланиб бораётир. Кексаларимизга нафақалар ўз вақтида бериб турилибди.

Ширинликларнинг ўз шаҳарини севишлари, уни чин дилдан мақтаётганлари бежиз эмас. Булардан биз тўғри хулосалар чиқаришимиз, бу борадаги ишларимизни янада яхшилашимиз лозим.

— Депутат сифатида Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессияси кун тартибига қўйилган масалалар хусусида нималар дея оласиз?

— Бўлажак сессия кун тартибига қўйилган масалалардан аён бўлмоқдаки, у — мамлакатимиз ҳаёти, унинг тараққиёт йўлида ўзига хос муҳим босқич бўлиб қолиши турган гап. Айниқса, Ўзбекистон Республикасини иҳтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва келгуси йил истиқбол кўрсаткичлари тўғрисидаги, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида, архитектура ва шаҳарсозлик қонунлари ҳамда бошқа масалалар муҳокамасини халқимиз алоҳида қизиқиш билан кутаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Баъзи вазирликлар иқтисодий фойда кетидан қувиб, ижтимоий ҳимоя, уй-жой, маданий-маиший қурилишларга етарли эътибор бермайдиган бўлиб қолди. Бир мисол. Сирдарё ГРЭСи республикамизда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 33-35 фоизини етказиб беради. Лекин Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги бу корхона ишчи ва хизматчилари, мутахассисларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига айтарли эътибор бермаётир. Шу корхонадан 600 кишининг уй олиш навбатида тургани, «Сирдарё ГРЭСстрой» қурилиш бошқармасининг иши эса ўз ҳолига ташлаб қўйилгани шундан далолат. Масалани муҳокама этиш чоғида шу сингари вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларидан бу ҳақда жиддийроқ талаб этишга тўғри келади. Сессиямизнинг бошқа масалалар юзасидан муҳокама ва мунозаралари ҳам ишчанлик ва талабчанлик руҳида ўтади, деган умиддамиз.

Суҳбатдош:
Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хабарингиз борми?

«МАҲАЛЛА» — ЯНГИ ГАЗЕТА

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тўнғич нашри «Маҳалла» газетасининг нишона сони ўқувчилар кенг оммаси қўлига тегди. Унинг биринчи саҳифасида «Сизга айтар сўзимиз» сарлавҳали бош мақолада газетанинг асосий вазифалари баён этилиб, шундай дейилади: «Ватанга садоқат, халқимиз ўтмишига ҳурмат, бугунги кунга холислик, келажакка умид уйғотмоқ — газета ҳар бир сонининг мазмун мундарижасига айланишига ҳаракат қиламиз».

Газетада «Маҳалла» жамғармаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Шукур Темуровнинг «Фуқаролик жамиятининг асоси» катта мақоласи босилган.

Шунингдек, газета саҳифаларида мамлакат Олий Мажлиси депутатлари, адиблар Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимовларнинг ҳам газета чоп этилиши муносабати билан маҳалланинг аҳамиятини ёритишга бағишланган мақолалари ўрин олган. Бундан ташқари газетада маҳаллалар ҳаётига оид ранг-баранг мақола ва хабарларни ўқиш мумкин.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ



СУРАТДА: Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида бунёд этилган миноралардан бири.

МИСР ПАРЛАМЕНТИ САЙЛОВЛАРИ

Миср Араб Республикасининг қонун чиқарувчи органи — Миср Халқ Кенгашига 444 депутат сайлаш мақсадида мамлакатда шу йилнинг 29 ноябрида умумхалқ сайловлари ўтказилди. Унда биринчи бор бу ердаги мавжуд 14 сиёсий партиянинг барчаси иштирок этди. Шу мақсадда тузилган 222 сайлов округининг 36000 сайлов участкасида 21 миллион сайловчи овоз беришда қатнашди. Сайлов низомига кўра, ҳар бир сайлов округидан 2 номзод ноибликка сайланиши керак.

Депутатликка етакчи Миллий демократик партиядан 339 номзод кўрсатилган бўлиб, улар ичида 12 вазир бор. «Ал-Вафд» партиясидан эса 182 номзод, «Ал-Амал» партиясидан—120, «Ал-Аҳрор» партиясидан —61, «Носирийлар Араб демократик партиясидан -43, «Миллий тараққиёт ва бирлик уюшмаси» партиясидан —40 номзод рўйхатга олинган.

ГУБЕРНАТОРНИНГ ИШИ СУДГА ОШИРИЛДИ

Япония Бош вазири Томиити Мураяма Окинава губернатори Масахидэ Отонинг ишини расмий равишда судга оширди. Маълумки, Окинава губернатори маҳаллий заминдорлар томонидан Пентагонга берилган ерларнинг ижара муддатини узайтириш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекишдан бош тортмоқда.

ҚАРОРГОҲЛАР ЎҚҚА ТУТИЛМОҚДА

Исроил Бош вазири Шимон Перес Жанубий Ливанда рўй бераётган жанговар ҳаракатларнинг олдини олиш учун АҚШ маъмурияти аралашувини талаб қилмоқда. Маълумотларга кўра, Жанубий Ливандаги жангарилар гуруҳлари Исроил қўшинлари қароргоҳларини ўққа тутмоқда.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

АҚШ вице-президенти Альберт Горнинг Жанубий Африка Республикасига ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф чоғида у ЖАР Президенти Нельсон Мандела билан учрашиб, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида келишиб олди.

ВАЗИРГА СУИҚАСД ҚИЛМОҚЧИ БЎЛИШДИ

Ироқнинг Амара шаҳри яқинида мамлакат ички ишлар вазири жонига қасд қилишга уриниш бўлди. Мамлакатдаги мухолиф партиялар тарқатган хабарга қараганда суиқасдга уриниш муваффақиятсизлик билан якунланган.

ТУРКИЯ ҲАМ АСКАР ЮБОРАДИГАН БЎЛДИ

Туркия ҳукумати Боснияга 1100 нафар аскар жўнатишга қарор қилди. Бу ҳақда мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги баёнот берди. Туркия ҳарбийлари кўпмиллатли қўшинлар таркибида тинчлик битимини ҳаётга жорий этишда иштирок этади.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Брюсселда Қозоғистон Республикаси билан Европа иттифоқи ўртасида вақтинчалик савдо тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шунингдек, божхона соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги протоколга ҳам қўл қўйилди. Бундан ташқари, тижорат, саноат ва интеллектуал мулкларни ҳимоя қилиш ҳақидаги декларациялар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар Қозоғистоннинг Европа иттифоқи иқтисодиёти билан мувофиқлашувига хизмат қилади.

РЕЖА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Америка Қўшма Штатларининг бир гуруҳ машҳур сиёсий арбоблари Президент Билл Клинтоннинг Боснияда тинчлик ўрнатиш учун кўпмиллатли қўшинлар таркибига Америка аскарларини юбориш тўғрисидаги режасини қўллаб-қувватлади. Сиёсий арбоблар орасида демократлар ва республикачиларнинг кўзга кўринган вакиллари бор.

Куни кеча Боснияга дастлабки ҳарбийлар етиб келди.

ҲАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

«Озарбойжон ҳаво йўллари» давлат концернига қарашли «ТУ-134» йўловчи самолёти Нахичеван аэропортига яқин ерда ҳалокатга учради. Дастлабки маълумотларга кўра, 48 киши ҳалок бўлган, 33 киши жароҳат олган. Концерн вакилининг хабарига қараганда, самолёт двигателларидан бири тўсатдан ишламай қолган ва учувчилар ҳаво кемасини жуда ёмон шароитда қўндиришга мажбур бўлганлар.

Ушбу ҳалокатдан бир ҳафта бурун эса Бокудаги хусусий авиакомпанияга қарашли «Боинг-707» юк самолёти номаълум сабабларга кўра қулаб тушган эди.

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИ ТАШВИШГА ТУШМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Кашмирнинг Покистонга қарашли қисмида ҳарбий ҳаво кучлари базасини жойлаштириш режасини ишлаб чиқмоқда. Бу эса ўз навбатида Ҳиндистон ҳукуматини жиддий ташвишга солмоқда. Ҳиндистон ушбу масалани АҚШ ҳукумати билан дипломатия йўли орқали муҳокама этиш ниятида. Айни пайтда Покистоннинг ўзида ҳам бу режага кескин қарши чиқаётганлар топилди. Навоз Шариф бошчилигидаги мухолиф партия Беназир Бхутто ҳукуматини АҚШга ён босаётганликда айблади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ҲИССАДОРЛИК НИМА БЕРЯПТИ?

Тўрткўл пахта тозалаш заводининг ҳиссадорлик жамиятига айланганига бир йилдан ошди. Унга «Оқ олтин» номи берилди. Жамият раиси Ражаббой Самандаров дастлабки ютуқлар ҳақида гапириб:

— Бозор муносабатларига ўтиш осон бўлаётгани йўқ, — деди. — Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида ишчи ва хизматчиларни, муҳандис-техникларни ижтимоий ҳимоя қилиш, янги технологияга амал қилишда озми-кўпми ютуқларга эришяпмиз. Аммо булардан қаноатланаётганимиз йўқ.

Камтарона айтилган бу гап бизга маъқул тушди.

— Корхонамиз уч сменада ишлаяпти. Олимбой Сапоев, Берди Ерназаров, Пўлат Бекбергенов, Икром Қутлимуродов, Латиф Сапарбоев, Аминбой Мадраҳимов каби ишчиларимиз топшириқларни 110-115 фоиздан бажармоқдалар, — деб сўзида давом этди у.— Даромадни кўпайтириш мақсадида кичик корхоналар тармоқларини кенгайтирямиз. Той пахталари ўраш учун ишлатиладиган нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган цехимиз ишлаб турибди. Унга Абдураим Мадреимов етакчилик қилмоқда. Цехда 80 киши меҳнат қилади. Нотўқима материаллар фақат корхонамизгагина эмас, Қорақалпоғистон Республикасидаги барча пахта тозалаш заводлари учун ҳам асқотяпти.

Йўлдош Мадраҳимов етакчилик қилаётган кийим бичиш тикиш цехида салкам 20 киши ишлайди. Чевар тикувчилар қўлидан чиққан кўйлаклар, хотин-қизларнинг миллий кийимлари, телпаклар, қўлқоплар бири-биридан чиройли, техник хизмат кўрсатадиган, темирчилик ва бошқа бир қатор кичик корхоналар хизматидан ишчи-хизматчиларимиз мамнун.

Қаловини топса, қор ёнади, дейдилар. «Оқ олтин» нинг бугунги ютуқлари чакки эмас. Уларни янада мустаҳкамлаш — жамоанинг асосий мақсади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАНГИРОВ «КАПРИЗНИЙ» ОДАММИ?

— Машинангиз билан мени, ўртоқ мухбир, темир-бетон заводига ташлаб ўтсангиз, илтимос-да, — деб қолди Жарқўрғондаги СПМК-45 деб қисқартма ном билан аталадиган корхонанинг Тангиров Бекмурод деган одами. — Ўша заводдан ҳозир лоток (бетондан тайёрланган ариқча) ортамиз. Ўзим бормасам, синиқ-мертик лотокларни ҳам юклаб юборишади. Тезроқ...

— Корхонанинг завправкачиёнилги-мойлов ашёлари тақсимотчиси бўлсангиз. Синиқ-мертик лотокни сиздан сўрашмаса...

— Йўқ. Боришим керак. Давлатнинг ишига синиқ-мертиги ҳам бўлаверади дегани — бўлмайди. Маҳсулотнинг браклигини, ишнинг браклигини мен айтмасам, сиз айтмасангиз. Юзхотирчилик десак. Нима, давлатнинг кўзига чўп қадаш эмасми бу?

Жўнадик.

Заводнинг қуйиш цехидагилар Тангировни яхши танишар экан. Тўғриси, уни «капризний» одам дейишаркан. Ортишнинг бошида Тангиров турса, лотокнингми, бошқа маҳсулотнингми, имкони борича сифатлироғидан ортиб беришар экан.

Лотокни корхонага келтирганларидан сўнг ҳам қизиқ бўлди. Тракторчи тележкани кранга шундай ўнгариб қўйган бўлдида, трактордан тушиб, қаёққадир кетиб қолди. Трактор ишлаб турипти. Баландда кранчи илгакни лотокка илдиришларини кутиб турипти. Шу ўртада Тангировнинг ҳам иши чиқиб қолди—ҳозиргина таъмирдан чиққан экскаваторнинг моторига қуйиш учун омбордан «вертянка» деган мой бериш керак. Бочкани ётқизиб, мой қопқоқдан челакка қуйиб олинади. Тўрт челак бўлгач, икки киши уни ташиб моторга қуйиб келади. Челаклар яна тўлғазилади. Мойни моторга ташиш вақтида Тангиров омбордан ташқарига чиқиб, тракторнинг ишлаб турганига, лотокнинг туширилмаётганига кўзи тушади. Баландда теваракка қараб турган кранчига қичқиради: — Ҳо-ой, тракторчини чақир. Исми—Норбой. Ана, нариги томонда. Илгакни илдириб юборсин.

Омборга кириб, яна ташқарига чиққанда, яна шу ҳол—трактор ишлаб турипти. Лоток туширилмаган. Тракторчи йўқ... Бориб, илгакни ўзи қўшайин деса, бу ердагилар мойни ерга кўп томизиб юборишидан алагда.

Барибир мой ерга унча-мунча томди. Мой томган ерга қум келтириб септилар: — Яқинда пожарний конторадан бирови беш литр бензин сўраб келувди. «Начальник бензин йўқ», деди. Бермади. Ана энди бир томчи мойнинг юқини кўрса бўлди, акт тузиб кетишади. Жарима солишади. Ҳов, сўм-купон ишлаб турган замонда шунинг учун начальник эллик минг, мен ўзим йигирма минг жарима тўлаганмиз», — деб куюнади Тангиров.

Мойни бериб бўлгач, Бекмурод яна омборни қулфлади. Қараса, трактор ишлаб турипти. Тракторчи йўқ. Кранчи ҳамон кутяпти. Унинг жиғибийрони чиқди. Тез юрганидан қора чопонининг унгирлари ҳилпиради. Тракторчини топиб, «ҳай, ермойининг пули ўзингнинг чўнтагингдан жиринглаб чиққанида, бир ерда турган тракторни бир соатча шу зайлда тир-тиратиб қўймасдинг-а», деб қойиди. Тракторчи бошқа бир жамоадан ижарага ишлашга келган эканми, «Менинг вазифам трактор ҳайдаш, лоток тушириш эмас», деди. Тангировнинг бадтар хуноби ошди. Лотокни туширишга ўзи уннаб кетди. Шу орада корхонанинг бошлиғи Қурбон Худойбердиев келиб қолди.

— Тангировни айримлар «капризний» дейишади. Тангиров зўр одам экан, — дедим мен унга.

Худойбердиев нима демоқчи бўлганимни англади. Корхонада худди Тангировга ўхшаганлар кўпайиб бораётганини айтди. У яна ҳозир СПМК давлат корхонаси эмас, жамоанинг корхонаси эканлигини ҳам таъкидлади. Жамоадаги ҳар бир кишининг асосий воситалардан улуши қиймати 21 минг сўм эканлиги уқтирилган. Асосий воситалар, маблағ, фойдаю зиён ҳаммаси—жамоаники. Кимки ўзининг аравасини тортмаса, бракка йўл қўйса, уч марта прогул қилса ва ичса, қўлини кўтариб ишдан бўшаб кетаверади.

Мен Тангировнинг бензин сўраб келган одамга чап берганини тилга олдим. Худойбердиев аслида бунақа гапларга кулиб қўядиган, одамлар билан муомаланинг баланд-пастини назардан қочирмайдиган одам. Лекин бу гал кулмади:

— Бировнинг рўзғорига ҳеч ким бензин сўраб (тилаб) бормайди. Лекин жамоадан умид қилишади, сўрашади. Ахир, корхонаям бир рўзғор-ку... Энди ишга рўзғорга қайишгандай ёндошмоқчи бўлсанг, «каприз»ми, «паприз»ми дегандай от қўйишмоқчи бўлади. Биз энди янги йўлга тушиб олдик. Фақат биз эмас. Янги йўлнинг қоидалари ўзига яраша бўлишини ҳамма ҳам шундай англаса-чи!

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Соғлом авлод учун

КИЧКИНТОЙЛАР БОҒЧАНИ СОҒИНИБ ЯШАСИН

Гулларнинг, болаларнинг хунуги бўлмайди. Бу табиий.

Мен кўп боғча опаларни кўрганман. Деярли ҳаммаси хушбичим ва чиройли аёллар, қизлар. Қизиқ, нега шундай? Ахир уларни ишга танлаб қабул қилмайдилар-ку!

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 601-боғча атрофини синчиклаб кузатдим.

Куз охирлаётганига қарамай, ҳовлидан файз кетмаган. Йўлакларнинг икки чети гулзор, яккам-дуккам кузги гуллар кўзга ташланади. Ҳолбуки, бу боғчанинг очилганига бор-йўғи тўрт йил бўлган.

Боғча мудираси Дилбар РАШИДОВА 1991 йилдан буён шу боғчада мудира. Адабиётни, санъатни севади, гоҳ-гоҳ шеърлар ҳам машқ қилиб туради.

Ҳуллас, у 601-боғчада меҳнат қилаётган 86 нафар ходим ва 532 нафар жажжи ўғил-қизларнинг меҳрибон опаси.

— Дилбар опа, шунча одамнинг кўнглини олиш, уларга бош-қош бўлиш анча қийиндир-а?

— Тўғри, унчалик осон эмас. Лекин худога шукур қилиб ишласа бўлади. Боғча энди очилганда озгина қийналганмиз. Болаларимиз ҳам, биномиз ҳам, шарт-шароитимиз ҳам янги, тарбиячиларимиз ҳам янги ўқишни битириб келган ёш қизлар бўлганлиги учун машғулотларни кўпинча ўзимиз ўтиб беришимизга тўғри келарди. Чунки ўқиш бошқа, тажриба бошқа-да! Биринчи йили бош тарбиячим — Қорбобо, ўзим—қорқиз бўлиб янги йил байрамини ўтказганмиз.

Ҳозир эса унақа қийинчиликлар йўқ. Қизларимизнинг ҳаммаси ўз касбини, болаларни севади. Қолаверса, ота-оналар ҳам бизни ҳамиша қўллаб туришади.

— Кичкинтойлар хатога йўл қўйишса ёки интизомсизлик қилсалар, бефарқ қараб бўлмайди. Шу маънода боғча болалари учун сиз қандай жазолаш усулларини таклиф қилган бўлардингиз?

— 20 йилга яқин тарбиячилик қилган бўлсам, бирор марта ҳам болаларимни уришиб қарғамаганман. Қўл кўтариш-ку, хаёлимга ҳам келмаган. Ҳамма жойда бўлгани каби боғчада ҳам интизомни қаттиқ ушлаш керак. Болалигида тартибли бўлса улғайганида ҳеч кимнинг юзини ерга қаратмайди. Мен энг аввало, болаларимдан боғчага мунтазам келишларини, кечикмасликларини қаттиқ талаб қилардим. Агар улардан бирортаси эрталабки жисмоний машқимизга кечроқ қолса, «Биз ҳозиргина қуён бўлиб сакрадик-а, қаранглар, орамизда тошбақамиз ҳам бор экан-ку», деб кечикувчини уялтирардим. Бу гапдан таъсирланиб вақтида келишга ҳаракат қилади. Менингча, боғча қоидаларини ота-оналардан ҳам кўпроқ кичкинтойларнинг ўзидан талаб қилган маъқул.

— Болаларнинг боғчада овқатланишларидан кўнглингиз тўладими? Бундан 9-10 йил илгари катта қизим: «Аяжон, боғчамизга овқат пиширадиган бўлиб ишга кираколинг» деб ялинарди. Уйда тайёрланадиган таомлар билан боғчада бериладиган овқат ўртасида бирор тафовут борми, билмадим, ҳозир ҳам айрим фарзандларимиз боғчадан тўйиб-тўймай қайтишади. Балки бу ҳолнинг ҳам чораси бордир-а?

— Гапингиз жуда тўғри. Қуш уясида кўрганини қилади-да! Уйда эса биз кўпинча миллий таомлар тайёрлаймиз. Шу нарсаларни ҳисобга олиб, пайшанба кунлари нонуштага холвайтар билан қатлама, чоршанбада тугун оши, шанба кунлари эса шовла пиширишни йўлга қўйганмиз. Айтганингиздек, айрим болалар сутли ва суюқ овқатни ёқтирмайди, айримлари карам емайди. Бу ерда тарбиячининг эътибори жуда зарур. Агар бола биринчига берилган карамли шўрвани ичмаса, албатта унга иккинчи овқатни едириши ёки нон билан нимадир бериши керак. Одатда кичкинтойлар гуручли, мошли овқатни суйиб ейишади.

— Ҳеч биримизга сир эмас, ҳозир турли юқумли касалликлар хуруж қилган пайт. Сизнинг боғчангизда...

— Йўқ дейишга ҳам қўрқаман. Илойим, кўз тегмасин, ҳозирча тинчмиз. Бу йил врачимиз Валентина Афанасьевна Новикова ва ҳамширамиз Шоҳиста Исматуллаеваларнинг жонкуярлиги туфайли сариқнинг олдини олиб турибмиз. Тарбиячиларимиз ҳам ота-оналар билан жиддий ишлашяпти. Негаки, улар кўпинча фарзандларини қариндош-уруғларникига ва меҳмондорчиликка олиб борган пайтда эҳтиётсизлик қилиб касалга чалинтириб қайтган ҳоллари кўп кузатилди. Ҳа, энди, ишқилиб буёғига ҳам худонинг ўзи асрасин! Менинг битта айбим борки, бирор нохуш воқеа ҳақида эшитиб қолсам, албатта келиб йиғилиш ўтказиб, қизларимни олдиндан огоҳлантириб қўяман. Ҳозир болаларни соғлом ояиб юриш ва давоматни тўлиқ таъминлаш бўйича гуруҳларда мусобақа ташкил қилганмизки, кимнинг гуруҳидан сариқ касаллиги чиқса, ўша тарбиячи жарима тўлайди.

— Жариманинг миқдори қанча энди?

— Ким билади дейсиз! Ҳали ҳеч ким тўлагани йўқ. Шундай қилишга мажбур бўлдим-да!

Дилбар опа билан суҳбатлашиб бўлгач, боғчани айландик. Хоналар бирам шинам, бирам чиройли. Озодалигини айтмайсизми?

Хоналарни кўздан кечирар эканмиз, болажонларнинг саломлашиши айниқса менга ёқди. «Бунча ақлли бўлмаса, болаларингиз!» десам, мудира: «Биз одобга ихтисослашган боғчамиз-да» деб кулиб қўйди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз билган ва билмаган тарих

СОҲИБҚИРОН ФАҚАТ АМИР БЎЛГАНМИ?

ёки Амир Темурнинг исми, насаби ва мансаби тўғрисида

Амир Темур тириклик чоғидаёқ уни Искандари соний, деб атай бошлаган эдилар. Соҳибқиронни македониялик Искандарга, Юлий Цезарга ва Чингизхонга қиёс қилиш ҳозирги муаррихларнинг асарларида тез-тез учраб туради. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси А. Муҳаммаджоновнинг «Темур ва темурийлар салтанати» китобида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «... Темур Ўрта асрларда шаклланиб ривож топган феодал жамиятининг мураккаб сиймоси. У юксак ҳарбий даҳолик ва қатъиятлик билан ўз жамиятига хизмат қилди. Шу сабабли бўлса керак, муаррихлар бундай сифатларга эга бўлгани учун Темурни македониялик Искандар, Қайсар (Юлий Цезарь) ва Чингизхонларга қиёс қилиб, улар билан бир сафга қўядилар».

Адолат юзасидан шуни айтиш мумкинки, ҳокимият тепасига чиқмай туриб, олиб борилган жанглардан бирида Амир Темур мағлуб бўлган эди. Бу лой жанги бўлиб, унда соҳибқирон қайнағаси амир Ҳусайн билан биргаликда мўғул ҳукмдори Илёсхўжага қарши курашади. Жанг 1365 йилда Тошкент билан Чиноз ўртасида юз берган.

Аслида бу мағлубиятнинг сабабчиси Амир Темур эмас, Амир Ҳусайн бўлган. Соҳибқирон ҳокимият тепасига келгандан сўнг эса бирор марта ҳам бундай мағлубиятга учрамаган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, ҳудудий жиҳатдан Амир Темур инсоният тарихида энг катта империяни асослаган шахсдир. Чунки Чингизхон забт этган Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Кичик Осиё мамлакатларидан ташқари Амир Темур Шимолий Қофқоз, Ғарбий Сибирь, Русиянинг катта ҳудудларини забт этган эди. Амир Темур ҳудудлари Чингизхонникига нисбатан тахминан бир ярим баравар катта бўлган. Бу ҳудудлар билан Искандар Зулқарнайн империясини харитада солиштирадиган бўлсак, Амир Темур давлати ҳудудлари Искандарникига қараганда тахминан икки баравар катта бўлганини кўрамиз. Юлий Цезарь давлатининг майдони эса ҳозир ҳам ҳақоратомуз «Тамерлан» деб аташади. Одамларнинг жисмоний камчилигини юзига солиш ёки исмига қўшиб айтиш барча халқларда ҳам одобсизлик саналган. Тарихда из қолдирган подшо ва саркардаларини руслар Буюк Петр, Иван Грозний, Дмитрий Донской, Александр Невский, деб улуғлайдилар. Бунга биз мутлақо қарши эмасмиз. Лекин улар ўз лашкарбошиларини улуғлаганлари ҳолда нега Амир соҳибқирон эгаллаган ҳудудларга нисбатан тахминан саккиз баравар кичик эди. Мана шу қиёслашлар Амир Темур дунёда энг катта империяга асос солган эди, деб баралла айтиш имконини беради. Адолат юзасидан айтадиган бўлсак, Соҳибқиронни биз юқорида номларини санаган машҳур саркардалар билан бир сафга қўйиш ким учун шарафли? Амир Темур учунми ёки ўша саркардалар учунми?

Амир Темур фақат Амир унвони билан кифояланди. Фақат Сароймулкхонимга уйлангандан кейин номига Кўрагон, яъни Чингизхон авлодининг куёви эканини билдирадиган сўзни қўшди. Соҳибқирон империясида ўнлаб амирлар бор эди. У ана шу амирлар билан бир даражада қолди. Бироқ айрим тарихчиларимиз унга шу унвонни ҳам ортиқча кўряптилар шекилли, оддийгина қилиб Темур деб аташяпти.

Ўзимизникилар шундай атаб туришганда, бошқа тарихчилардан ўпкаламаса ҳам бўлади. Баъзи рус тарихчилари Амир Темурни Темурга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатадилар? Шуни айтиш керакки, Октябрь тўнтаришигача бўлган рус тарих фанида ҳам соҳибқиронга нисбатан катта ҳурмат мавжуд эди. Уни Буюк Темур (Темур Великолепний) деб аташарди. Буюк бобокалонимизни, унинг улкан даҳоси ва оламшумул фаолиятига мос равишда аташда Ўзбекистон олимлари намуна кўрсатишлари керак, деб ҳисоблайман. Бу буюк саркарда Буюк Темур, Амир Темур, ҳеч бўлмаганда Темурбек, деб айтилиши керак.

Соҳибқироннинг мансаби масаласига келсак, у хонлик тахтига ўтирмаган, подшоҳ ёки шаҳаншоҳ ҳам бўлмаган. 1370 йили Мовароуннаҳр ҳокимияти тепасига келар экан ўзини хон ёки шоҳ эмас, амир деб эълон қилди. Балх шаҳрида тўпланган мовароуннаҳрлик қўшин бошлиқлари соҳибқиронни удумга кўра оқ кигизга ўтқазиб, бошлари устига кўтарадилар. Лекин Амир Темурнинг пири Саид Барака дуойи фотиҳа қилгач, уни Мовароуннаҳр амири, деб эълон қиладилар. Амир Темур умрининг охирига қадар амирлигича қол-ди. Бунинг сабабини айрим тарихчилар Амир Темур Чингизхон авлодидан бўлмаганида, деб билишади. Масалан, А. Муҳаммаджонов бу ҳақда шундай ёзади: «Темур замонасининг буюк империясини барпо қилган бўлса-да, аммо у умрининг охиригача ўзини бу давлатнинг «қонуний» хони деб эълон қила олмади. Чунки у насл-насаби жиҳатидан чингизийлар сулоласига мансуб эмас эди». Шунга ўхшаш фикрларни бошқа тарихчилар ҳам билдиришади. Бу фикрлар, назаримизда, қисман тўғри. Гап шундаки, у ҳақиқатан Чингизхон авлодидан бўлмаган. Унинг еттинчи бобоси Қочувли баҳодир Чингизхоннинг учинчи бобоси Қобулхон билан эгизак бўлган. Буларнинг отаси Туманахон эса Чингизхонга тўртинчи бобо, Амир Темурга эса саккизинчи бобо эди. Рашидиддиннинг «Жоме-ат-таворих» ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида кўрсатилишича, Туманахон Чингизхонга тўртинчи, лекин Амир Темурга тўққизинчи бободир. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, «Жоме-ат-таворих» ва «Зафарнома» муаллифлари Қочувлининг ўғли яъни, Амир Темурнинг еттинчи бобоси, деб Эрдамчи барлосни кўрсатишган. Мўғул ва Хитой манбаларини ўрганишимиз шуни кўрсатадики, Қочувлининг Эрдамчи деган ўғли бўлмаган экан. Дунёда «Юан чао би ши» номи билан машҳур бўлган «Мўғулларнинг маҳфий тарихи» китобида кўрсатилишича, Туманахоннинг ўғиллари Қобулхон ва Қочувли бўлган. Лекин Қочувлининг ўғиллари орасида Эрдамчи барлос дегани бўлмаган. Туманахон авлодларини ўрганишда кўпроқ «Мўғулларнинг маҳфий тарихи»га таянган маъқул. Чунки, бу китобнинг муаллифи Рашидиддин ва Шарафуддин Али Яздийдан илгарироқ яшаган, ҳар учала китобда тасвирланган воқеаларнинг анча қисмида иштирок этган.

Кўриниб турибдики, Амир Темур Чингизхоннинг бевосита авлодларидан бўлмаган. Лекин Туманахон уларнинг ҳар иккиси учун ҳам бобо эди. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам унга тахт даъвосини қилиш имконини берарди. Аммо у тахтга даъво қилмади. Фикримизча, Амир Темурнинг тахтга ўтирмаслигига сабаб унинг феъл-атворидаги бир хусусият бўлган. У ўзидан аввал ўтган боболари сўзларини жуда эъзозлар, уларнинг васиятларига шак келтирмасди. «Тузуклар»да кўрсатилишича, Туманахон ўғиллари Қобулхон ва Қочувли ўртасида аҳднома бўлган: «Тўғлуқ Темирхон мен билан тузган аҳду қаторини бузиб иккинчи бор Мовароуннаҳр мамлакатига қўшин тортиб келди ва ҳукуматни мендан тортиб олиб ўғли Илёсхожага топширди. Мени эса унга бош қўмондон (сипоҳсолор) маслаҳатчи қилиб тайинлади. Менга Қочувли баҳодир ва Қобулхон томонидан битилган аҳдномани кўрсатди. Мен улуғ боболаримизнинг сўз ва номаларини қабул қилиб сипоҳсолорлик қилишга рози бўлдим».

Бундан кўринадики, ҳукуматнинг Илёсхожага топширилишидан Амир Темур норози бўлган. Шунингдек, Қобулхон ва Қочувли ўртасидаги битимдан у мутлақо бехабар. Чунки Тўғлуқ Темур унга ўша аҳдномани кўрсатгандан кейин сипоҳсолорлик қилишга рози бўлганини баён қилади.

Амир Темурнинг ҳукмронлик қилган даври ҳозирги тарих китоблари ва дарсликларида 1370-1405 йиллар деб кўрсатилади. 1370 йилни соҳибқирон ҳукмронлигининг бошланиши, деб кўрсатилишига сабаб эса шу йили у ўзининг рақиби бўлмиш қайнағаси Амир Ҳусайнни жангда мағлуб этади. Балх шаҳрида Ҳусайн аскарлари мағлубиятга учрайди ва Мовароуннаҳр ҳукмдори ҳисобланган Амир Ҳусайн ўлдирилади. Амир Темур эса қайнағаси бўлмиш Амир Ҳусайннинг хотини Сароймулкхонимга уйланади ва ўз номига «кўрагон» яъни «хоннинг куёви» унвонини қўшиб олади.

1370 йилда Амир Темур оқ кигизга ўтқазиб кўтарилган бўлса ҳам хонлик тахтига Суюрғотмишни ўтказади. 1388 йилда Суюрғотмиш вафотидан кейин ҳам Амир Темур хонлик тахтига ўтирмади. У тахтга яна чингизий шаҳзодалардан Суюрғотмишнинг ўғли Султон Маҳмудхонни ўтказди. Ўнлаб шоҳлар унинг оёғи олдида эмаклаб юрган, қанчалаб шаҳаншоҳ ва султонлар унинг этагини ўпган бўлса-да, соҳибқирон Амир Темур расман хонлик тахтига ўтирмади. Бу унинг ўтмиш аждодларини, боболарини қанчалик эъзозлаганини, улар тузган аҳдни уч юз йилдан кейин ҳам бузмасликка ҳаракат қилганини кўрсатади.

Вақтли матбуот ва илмий рисолаларда Амир Темурнинг мўғулларга муносабати ҳақида босилган баъзи мақолалар кишини ўйлантириб қўяди. Октябрь тўнтаришидан кейин ёзилган тарихий мақола ва рисолаларда, дарсликларда, бадиий асарларда Амир Темурнинг Мовароуннаҳр мустақиллиги учун мўғулларга қарши кураш олиб боргани тавсиф қилинади. Аслида эса Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори ҳисобланган қайнағаси Амир Ҳусайнни мағлуб қилиб, унинг ўрнига мўғул шаҳзодаси Суюрғотмишни тахтга ўтказди. Бундан ташқари, «Темур тузуклари»да бирор марта ҳам мўғулларга қарши кураш олиб боргани ҳақида гапирмайди.

Алишер Навоий ва Бобур Мирзоларнинг асарларини синчиклаб ўрганиш ҳам уларда мўғуллар зулмига қарши миллий озодлик учун кураш олиб борилгани ҳақида ҳеч нарса ёзилмаганини кўрсатади.

Демак, Амир Темур олиб борган курашлар бирор-бир халққа қарши эмас, балки Мовароуннаҳрни сиёсий, иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш ва обод қилиш учун олиб борилган ҳаракатлар эди дейиш, бизнингча, тўғрироқ бўлади. Бу даврда Амир Темур мўғулларга қарши кураш олиб борди, дейиш мантиққа унча тўғри келмайди. Чунки соҳибқирон даврига келиб Мовароуннаҳрда қолган мўғуллар ўртоқлашиб, маҳаллий аҳоли билан деярли тўла сингишиб кетган эдилар.

Абдуллажон БЕГМАТОВ,
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

МУШТАРАК АЖДОДЛАР ТАЪРИФИ

«Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида Марказий Осиё республикалари маданият арбобларининг Тошкент заминида бўлиб ўтган форуми қон-қариндош халқларимиз муштарак ўтмиши ва келажагини янада теранроқ ўрганиш ва тарғиб этишни шу кунларнинг долзарб вазифаларидан бири қилиб қўйди. Яқинда республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамда Ўзбекистон социал-фалсафа ва миллий маданиятни тиклаш марказининг ташаббуси билан «Туркий халқлар этногенези ва маданий илдизлари» мавзуидаги давра суҳбати уюштирилди. У илмий далилларга бойлиги, мунозаравий руҳи билан иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Даврани республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раҳбари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов бошқарди. Илмий баҳсларда филология фанлари докторлари, профессорлар Насимхон Раҳмонов, Қозоқбой Маҳмудов, Ҳамидулла Дадабоев, ЎзФА мухбир аъзоси Жондор Туленов, фалсафа фанлари доктори Турғунбой Саксонов, ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири Эркин Аъзамов, Низомий номидаги ТДПИ таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик кафедраси мудири Абдусалом Умаров ва бошқалар қатнашдилар.

Юнус ЗИЁДОВ.

digital

DUE TO DIGITAL`S SUCCESS IN THE CIS, THE COMPANY IS EXPANDING THEIR BUSINESS, IN ORDER TO ENSURE A SOLID BACKUP FOR PROJECTS IN UZBEKISTAN, DIGITAL IS LOOKING TO RECRUIT A

SALES REPRESENTATIVE/PROJECT LEADER

- A local national fluent in English and Russian
- Higher education (engineer), with experience in the field of IT, computer hardware and software, telecom or electricity
- Knowledge of data or telephone networks, and working with drawing documentation is preferable
- A pragmatic personality, able to produce overall plans and managing projects on a daily basis without direct supervision
- Be an enthusiastic, ethical, independent and energetic individual
- Flexible with negotiation skills
- Willing to travel

The excellence of our solutions is build very firmly on the excellence of our people

THIS CHALLENGING POSITION OFFERS AN ATTRACTIVE REMUNERATION AND BENEFITS PACKAGE

Interested candidates should apply eclosing a C.V., to Joke Agterbos at Nicholson Intcrnational (Search & Selection Consultants) Moscow. Fax details to (7095) 931 9734/ (7502) 224 2134 (satellite) or telephone (7095) 931 9732 for an initial discussion.

NICHOLSON INTERNATIONAL CIS

Australia Belgium Brazil China Czech Republic France Germany Holland Hungary India Israel Italy Poland Romania Spain Turkey UK

Ҳурматли жаноблар !

Ўзбекистон бозоридаги расмий дилер

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



Ташкилий техника оламида етакчи бўлган

"Konica U - BIX"

нусха олиш машинасини Тошкентдаги омбордан сотади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Бизда сифат ва баҳо ҳамоҳангдир!

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

ДЕРАЗА ОЙНАСИ

МАНФААТДОР ҚИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Газалкент ойна заводи" акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган дераза ойнаси фақат "Ўзқурилишматериаллари"ъ давлат концернининг "Қурилиш материаллари" савдо уйи орқали сотилади.

Манзил: 700070, Тошкент, Мироқилов кўчаси, 88-а (йўналиш: Бобур боғи).
Тел: (3712) 55-79-19, 55-78-31, 54-55-39, 55-46-92, Факс: (3712) 55-74-66.

АЛБАТТА ЯНГИ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини **ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйиш ёки нақд пулсиз ўтказиш кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
45-35-41, 33-51-95.

Халқ банки Сизнинг хизматингизда!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

ТАШКИЛОТ

Барча қувватдаги электродвигателларни таъмирламоқда, электродвигателларни алмаштириш фондига эга.

1. Электродлар (Россияда ишлаб чиқарилган), эмаль сим, эритувчи, ацетон, ХП-1, ШБ-5 кислотаси, пардозланган мармар, калцинация қилинган сода (копда), кафель, телефон аппаратлари, канистрлар (20 литр), челаклар (12 литр), турли флянцлар, П-0 ТУ 205 309-83 русумли монтаж белбоғлари, канализация чўян тирсаклари, ККП-Н кабель аравачалари, электротенлар, ванналар, 4 комфорали газ плиталари, Ф 37, Ф 65 тросслари, турли чинни идишлар.

2. Электромоллар — 100 ВТ, 150 ВТ, 300 ВТ, 500 ВТли лампочкалар.

3. Саноат еритгичлари, рубильниклар, ёритиш шитлари, пакет переключателлари, узайтиргичлар, патронлар, турли қувватдаги электродвигателлар.

4. МЕТАЛЛ СОТИБ ОЛАМИЗ: -швеллер, трубалар, листлар, провнастил, тунука шунингдек, ёғоч, эмаль сим, ВАЗ, «Москвич», ГАЗ, РАФ, КамАЗ автошиналари, турли электр двигателлар, шимдириш лаки, изоляция лентаси, ВАЗ, «Москвич», ГАЗ автоэҳтиёт қисмлари **ўз магазинларида сотиш учун** халқ истеъмоли моллари—мебель, электр моллари, маиший техника, озиқ-овқат маҳсулотларини **харид этади ёки консигнацияга олади.**

6. Ҳақ тўлаш шакли турлича — тўлов учун вексель қабул қиламиз.

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри.
Тел: (37171) 5-33-37, 5-36-84, соат 18 дан кейин 2-14-64.

CUKURS-BIZNESS ЦУКУРС-БИЗНЕС

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Бизнинг шакар етказиб бериш шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, **сиз ҳар ойда 20 фоиздан 27 фоизгача фойда олишингиз мумкин.**

1000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 1200 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

БУНИНГ УЧУН ФАҚАТ КЎНГИРОҒИНГИЗ КИФОЯ!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона. Телефонлар: (3712), 34-00-98, 34-05-07.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Маматқул Ҳазратқуловга акаси

Мўминқул ҲАЗРАТКУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Қорақалпоқпахтасаноатсотиш» бирлашмаси жамоаси бирлашма раисининг муовини Камал Раҳимовга онаси

Давлатбека ИБРАГИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СЕМИЗЛИК ЯХШИКУ-Я, АММО...

Саломатлик сандиғи

Дарвоқе халқ ўртасида: ким кўркам — семиз кўркам, деган гап бор. Тўғри, тўлалик, бўлиқ бўлиб юриш, қолаверса, қорин солиш ўзига хос савлат. Бундай одамларнинг ранг-рўйига қараб, таранглигини кузатиб: кўз тегмасин, соғлигингиз жойида, деб қўйишади. Бошида бундай мулозаматларга маҳлиё ҳам бўлинади. Семизлик — дард экани кишининг хаёлига ҳам келмайди. Ахир 10 килограмм ортиқча тоши бор одам учун шунча оғирликни кечаю-кундуз кўтариб юриш осон деб ўйлайсизми? Балки, ёшликда, борингки, ўрта ёшгача семизлик унча билинмас. Хўш, ундан кейин-чи... Баданимизни ёғ босгани сари томирларда қоннинг ҳаракати ҳам сусайиб боради. Айниқса қил томирларга қон етказолмай юрак «эзилади». Олимларнинг аниқлашича, инсондаги бир грамм ортиқча юк юракнинг бир неча бор кўп уришига сабаб бўлади. Агар кузатган бўлсангиз жамоат транспортида ҳам тўла кишиларнинг кўзи бўш жойни ахтаради. Чунки манзилга етиб боргунча гавда мувозанатини сақлаб туриш уларга осон бўлмайди-да. Бундай одамлар бора-бора ётиб-туришга, меҳнат қилишга қийналиб, иҳраб-сиҳраб қоладиган бўладилар. Тўғри, халқимизда семиз чўзилгунча озғин узилади, деган нақл ҳам бор. Бизнингча , бу фикр озғин эмас, вазни рисоладаги кишиларга қарата айтилса, ўринли бўларди.

Сирасини айтганда, семириб кетишнинг сабаблари кўп. Уларнинг орасида энг ёмони овқат ейишга ружу қўйишдир. Жисмоний меҳнат, елиб-югуришнинг камайиши, унинг ўрнига ошқозонни тўлдириб юриш оқибатида қорин солиш ва ёғ босиш бошланади. Аксарият ҳолларда ота-оналар бўлиқ кишиларнинг болалари ҳам тўлагина бўлишади. Нима бу суяк суриш ёки мерос қолдиришмикан? Назаримизда бундай оилада улгаяётган бола ҳам катталар қатори ёғлиқ, ширавор ли овқатларни кўпроқ истеъмол қилиш натижасида ўзида семиришга мойиллик сеза бошлайди. Рисоладаги вазнга эга бўлган оилаларда бундай ҳолат 9 фоизни ташкил этса, ўзлари семиз бўлган ота-оналар бош оилаларда бу рақам 70-80 фоизга етаркан. Шунингдек, семириш касб-корликка ҳам боғлиқ. Жумладан, баъзи кишилар жисмоний меҳнат кўпроқ бажариладиган ишдан хоналарда ўтириб амалга ошириладиган юмушларга ўтгач, ўзларини қўйиб, семира бошлайдилар. Чунки, бундай одамлар ўша аввалги ишлари бўйича кучли овқат ейишни давом эттираверадилар-да.

Ҳозир фан-техника ривожланган замонда яшамоқдамиз. Одамлар учун қулайликлар яратилмоқда. Қўл меҳнати тобора камаймоқда. Афсуски, ҳали кўпчиликда бундай шароитга онгли муносабат шаклланмаган. Оқибатда айрим кишилар икки қадам ерга ҳам транспортда боришади. Бу эса кам ҳаракатликни юзага келтиради. Академик Бергнинг фикрига қараганда, 100 йил аввал кишилар зарурий ишларнинг қарийб 40 фоизини мускуллар ёрдамида амалга оширишган бўлса, ҳозир бундай юмушларнинг 99 фоизи механизм ва машиналар зиммасига юкланган.

Баданни ёғ босишининг яна бир сабаби — бош миядаги ўзига хос ўзгаришлар. Бундай марказ фаолиятининг бузилиши оқибатида одамлар овқат еб тўймаётганликлари ҳақида шикоят қилаверадилар. Кўп истеъмол қилиш эса семизлик дардини келтириб чиқараверади. Шунингдек, кашандалар ҳам чекишни ташлашганидан мамнун бўлиб, иштаҳалари очилгани ҳақида хурсанд бўлиб гапирадилар. Бундай «сирли ҳолат» ҳам семизликни юзага келтиради.

Рисоладаги вазнга эга бўлиш учун нималарга эътибор қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Аввало, вазнимизни ҳамиша кузатиб юришимиз, қўлдан келганича ранг-баранг, сервитаминли, ёғсиз, оқсилларга бой, мева ва сабзавотлар билан уйғунлашган таомлардан истеъмол қилишга, яъни тўйиниб кетмасдан бироз аввал қўл артишга, иложи бўлса кўпроқ чайнашга аҳамият бериш керак. Ана шунда бўйингизга мувофиқ рисоладаги вазнга эга бўласиз. Айтайлик, бўйи 170 сантиметрли кишининг вазни 70 килограмм бўлса ҳамма нарса жойида, деб қараш мумкин. Умуман, тўла кишилар бир нарсани унутмаслиги керак. Соғман, тетикман, бақувватман деб хотиржамликка берилмай, кейинчалик келиб чиқадиган оқибатлар ҳақида ўйласалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Семизликнинг энг ёмон асоратларидан бири атеросклероз дардини келтириб чиқаради. Модда аламашинувининг бузилиши натижасида юрак, бош мия, буйрак «азият» чекади. Стенокардия, миокард, инфаркт, мияга қон қуйилиши, қон босими, қолаверса, қанд касаллигининг келиб чиқишига мойиллик кучаяди. Дарднинг келиши осон, кетиши қийин деганларидек, кейинги пушаймон қимматга тушади.

Семириб кетишликнинг олдини олиш учун шифокорлар назорати остида соғлом турмуш тарзини юзага келтириш керак. Вақтида ётиб туриш, вақтида овқатланиш, парҳезга эътибор қилиш зарур. Аччиқ, нордон, тузли ва ўткир таомлар, ичимликларга ружу қўймаслик керак. Унинг ўрнига оз-оздан 4-5 маҳал овқатланиш яхши наф беради. Ширавор ли маҳсулотларни камроқ истеъмол қилиш, сув, чой ўрнига шарбат ичиш фойдали. Кузатишларга қараганда, семиришга мойил кишилар бироз бетоқат бўладилар. Яъни дастурхон вақтида ёзилмаса кайфиятлари бузилади. Эрталабки бадан тарбия, велосипед минишни ўзларига эп кўрмаган кишилар ҳеч бўлмаса камида икки бекат оралиғида пиёда юришни одат қилсалар, тансиҳатлари билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этган бўладилар. Боиси, семириш осон, озиш қийин. Бу эса ҳар бир кишини ўзининг саломатлиги ҳақида қайғуришга даъват этади, деган умиддамиз.

Вали АБДУЛЛАЕВ.
тиббиёт фанлари номзоди.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Хотиним «Қаҳрамон она». Унга электр ва ер солиғи бўйича имтиёзлар борми?

И. МУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Президентининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 16 ёшга тўлгунча 5 ва ундан ортиқ болангиз учун энг кам маошнинг 50 фоиз миқдорида нафақа тўланади.

Қаҳрамон оналарга эса, ҳозирги қонунларда бошқа имтиёзлар, яъни электр ва ер солиғидан озод қилиш кўзда тутилмаган.

***

САВОЛ: 1955-1985 йилларда мен иш жойимдан ташқари кўпгина мажлисларда стенографистлик қилганман ва бунга кўшимча ҳақ олганман. Бу пенсияга чиқишимда инобатга олинадими?

Барнохон РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: 1994 йил 1 июлдан кучга кирган пенсия қонунига биноан Сиз охирги 15 йил ишлаган вақтингизнинг хоҳлаган 5 йилида асосий ва кўшимча ишлаган меҳнатингизга олган ҳақингиз тўғрисидаги далолатномаларни олиб, яшаб турган туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилсангиз бу маълумотлар пенсиянгиз миқдорини белгилашда инобатга олинади.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.



Қани, тишингни кўрсат-чи?

Ҳ. МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

Турпни қайнатиб, асал билан кўшиб ейилса, балғамни йўқотади.

***

Янги узилган лавлаги шарбатига асал кўшиб, аралаштирсангиз темираткига яхши даво бўлади.

***

Илиқ лавлаги шарбатини қулоққа томизсангиз оғриқни қолдиради.

***

Лавлагининг бир бўлагини тишлаб турилса, тиш оғриғини қолдириши мумкин.

***

Лавлаги шарбати йўталга қарши восита ҳамдир.

***

Ҳар куни ишлатиладиган идишларингизни туз билан ювсангиз у яхши ва тез тозаланади.

***

Коса, пиёла, чойнак, стакан, банка, товоқлар ва бошқа ошхонага тааллуқли идишларни туз билан ювилгач, тоза сувда чайиб олиш даркор.

***

Агар кострюлингиз ичи куйган бўлса, у ерга туз сепиб, бир муддатга қолдиринг. Шундай қилсангиз кострюлингиз тез ва яхши тозаланади.

***

Шишали идишларни тузли ишқор билан ювиб, сўнг уни сирка ёки туз кўшилган сув пуркаб, тоза сувга чайиб олсангиз, ялтираб кетади.

***

Агар ёғ қиздираётиб қозонга ёки товага озгина туз сепсангиз қовуриш пайтида сачрамайди.

***

Ошхона пичоқларини тузли сувга ярим соатча солиб қўйсангиз, у яхши чархланади.

***

Ваннадаги руҳланган кранларни туз кўшилган сирка билан артсангиз, у асл ҳолига келади.

***

Ошхонадаги ёқимсиз ҳидни йўқотиш учун газ конфоркасига озгина туз сепиб қўйиш керак.

***

Қайнатилаётган тухум пўсти ёрилиб кетмаслиги учун уни тузли сувда пишириш лозим.

***

Кунжут сочни узайтиради, айниқса пояси ва баргининг ширасси сочни юмшатади ва қазғоқни кетказади.

***

Сигир сутида қилинган оғизнинг суви сепкил ва доғларни кетказади.

Ие, йўғ-е, наҳотки?

ЭНГ БОЙ СПОРТЧИ АЁЛ

«Форбс» журналининг яқинда чиқарган рўйхатига кўра, жаҳондаги энг бой спортчи аёл германиялик теннисчи Штеффи Граф хоним экан. У рўйхатдаги энг бой 40 спортчининг ўттизинчиси экан. Штеффининг бир йиллик топган даромади 7,5 миллион АҚШ долларига тенгдир. «Форбс» рўйхатига кўра, америкача футболнинг саккиз ўйинчиси ва саккиз нафар бейсболчи, олти баскетболчи, беш боксчи, беш теннисчи, тўрт нафар автопойгачи дунёдаги энг бой спортчилар қаторида туришибди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

1939 йили профессор П. Анохин қўшалоқ эгизакларни кузатган. Эгизакларнинг гавдаси, юраги битта бўлиб, икки боши, иккита бўйни ва тўртта қўли бўлган. Битта бош уйқуга кетса, иккинчиси бедор бўлган. Бироқ эгизаклар бир йилу 22 кун яшаган, холос.

БИЛДИРИШ

Шу йил 13 декабрь — чоршанба куни соат 14. 00 да Ҳамза номидаги академик драма театри биносида Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Меҳнат Қаҳрамони Раҳматулла Отақўзиев УЙҒУН туғилган кунинг 90 йиллигига бағишлаб юбилей кечаси ўтказилади.

Уйғун ижодининг мухлислари, юбилей кечасига марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ КОТИБИЯТИ.

Спорт

ЖАҲОНГА ҲАМНАФАС БЎЛИБ

Ўтган дам олиш кунлари жаҳон бўйлаб футбол нафаси кезди. БМТ нинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган футбол марафони ўзига хос байрамга айланди.

Ер юзида футбол спортнинг энг севимли ва оммавий тури экани яна бир бор намойиш этилди. 191 мамлакат ўйингоҳларида болалар жамолари-ю, профессионал футболчилар ўртасида қизиқарли учрашувлар ўтказилди. 24 соат мобайнида мухлислар Норвегия, Марокаш, Бразилия, АҚШ, Хитой, Жанубий Африка мамлакатларида уюштирилган учрашувларни ойнаи жаҳон орқали кузатишга муяссар бўлдилар. Бу хайрли тадбир кеча ўтказилган жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш арафасида уюштирилгани билан эътиборга лойиқдир. Боиси, оммавийликдан маҳорат сари, деган шиор ўз ифодасини топгандай бўлди.

Футбол марафонида мамлакатимиз ҳам иштирок этди. Турли вилоят, туман ва шаҳар-қишлоқларда қизиқарли учрашувлар уюштирилди. Хусусан, Тошкент яқинидаги «Қибрай», пойтахтнинг «Чиғатой» ва армиячилар ўйингоҳлари гавжумлашди. Бу ерларда «Старт», «Динамо», «Пахтакор» - 80", «Динамо» ҳамда 82-83 йилларда туғилган болалар терма жамоалари ўзаро куч синашдилар, Шунингдек, «Ижодкор» ва футбол фахрийлари учрашувлари ҳам қизиқарли бўлди. Ўйин 2:1 ҳисобида фахрийлар ютуғи билан якунланди. Иккита тўпни Б. Абдураимов дарвозага йўллади. Кейин армиячилар ўйингоҳида Тошкент шаҳар суперкубоги учун «Шайхонтоҳур» ва ТТПУ жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Ўйин 11 метрли жарима тўплари тепиш бўйича 4:2 ҳисобида транспортчилар фойдасига ҳал бўлди. Бир сўз билан айтганда аёзли кунлар бўлишига қарамай, мухлислар баҳор нафасини сезгандай бўлишди.

Шатранж оламида

ГРОССМЕЙСТЕРЛАРДАН ҚОЛИШМАЙ

Вақтнинг ўтишини қаранг. Яқиндагина шатранж оламининг қайноқ нуқталарида жавлон уриб юрган бир гуруҳ донгдор гроссмейстерлар ҳаёт тақозосига кўра майдондан аста-секин чиқа бошладилар. Шахмат курашида вазиятни тушуниш билан уларни амалий талқин қилиш ўртасида катта фарқ бор. Ёш ўтган сайин ақл тўлишиб борса-да, инсоннинг хотира кучи пасайиши турган гап. Бинобарин, у оз вақт орасида кўп нарсани бажариш имкониятидан маҳрум бўла бошлайди. Мураккаб ҳисоб-китоблар юритишда баъзан таваккал ҳаракатлар қилишга журъат этолмай қолади. Бу нарса фахрийлар ўртасида ҳам нуфузли мусобақалар ўтказиш масаласини ўртага қўйди.

Буни германиялик ҳомий ва мутасаддилар ўз зиммаларига олиб, хайрли ишга бош қўшдилар: 5 йилдирки, Германияда фахрийлар ўртасида ҳар йили жаҳон шахсий биринчилиги ўтказиб келинмоқда. Куни-кеча навбатдагиси поёнига етди. Унда иштирок этган тошкентлик спорт устаси Евгений Мухин 200 га яқин иштирокчи ўртасида 4-9 соврини ўринларни ўзаро баҳам кўрди. У билан баробар — 11 имкониятдан 8 тадан очко жамғарганлар сафида бир вақтлар жаҳон биринчилиги учун курашганлардан М. Тайманов, А. Мотулович, А. Лейн, А. Суэтин ва бошқалар борлиги вакилимизнинг яхши мавқега эришганидан далолат. Бош соврин — 9 очко жамғарган москвалик халқаро гроссмейстер Евгений Васюковга насиб этди. Ёши 60 дан ошган шахматчиларнинг яратган партиялари ҳаваскорлар учун арзигулик совға бўлди.

ЮКСАК МАРРАНИ КЎЗЛАБ

Шу кунларда республика терма жамоаси аъзолари декабрь ойининг ўрталарида Сингапурда ўтадиган Осиё биринчилиги мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Республиканинг бир неча бор чемпионлари, халқаро гроссмейстерлар Александр Ненашев, Сергей Загребельний, Михаил Салтаев, халқаро мастерлар Дмитрий Қаюмов, Шуҳрат Сафин, Саидали Йўлдошевдан иборат эркаклар командамиз малака жиҳатидан ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисини эгаллашга муносиблиги мутахассислар томонидан эътироф этилаётгани бежиз эмас. Буларнинг ҳар бири кейинги йиллардаги муваффақиятлари билан шахмат аҳлининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

Халқаро мастерлар Ольга Ким, Роза Мамедова ва Анжелла Хегайдан иборат аёллар терма жамоамиз ҳам совринли ўринларга талабгор. Ҳозир давом этаётган ўқув-тайёргарлик машқларида спорт устаси Георгий Борисенко бу борада ёшларга яқиндан ёрдам бермоқда.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Луқма

БОЛАЛАР АРАВАЧАСИДАГИ КАТТАЛАР

узоққа бора олмайдилар

Бозорларимиз кўпайган сайин уларнинг озорлари ҳам зиёда бўлиб бормоқда. Пойтахтимизнинг «Чорсу»сида бозор ичида бозор қандай пайдо бўлганини биров билиб-биров билмай қолди. Биз болалар аравачаси бозорини назарда тутмоқдамиз.

Мазкур мўъжаз бозорда хилма-хил болалар аравачалари ёш суворийни интиқ кутаётган тойчоқлардай савлат тўкиб туради. Сиз қанақасидан олмоқчисиз? Ўғил болагами, қиз болагами? У неча ойлик ёки неча ёшда? Олажак аравачангизнинг рангини, ҳажмини, имкониятларини айтинг, сизга уйдан, қутиси бузилмаганидан олиб келиб беришади. Аввало, чўнтагингиздан гапиринг.

Болалар аравачалари, албатта, бебаҳо. Чунки улардан бирини фарзандингиз учун олмоқчисиз. Аммо нархи саккиз юз сўмдан бир минг икки юз сўмгача. Кўтарса олинг, дейишади мол эгалари. Бу нарх давлат ва хусусий дўконлардаги болалар аравачалари нархидан сезиларли даражада арзон. Сизни шу бозорга дуч қилган ҳазрати тасодифга ташаккур айтиб, дарҳол пулни санаб берасиз.

Таққослаганда ҳақиқатда.

Бозорларнинг кўпайгани, товар ва сифатли маҳсулот билан тўлгани яхши. Шунда арзончилик кутилади. Бироқ бозорларга моллар қай йўл билан кириб келмоқда? Масалан, мазкур бозордаги «Наргиз», «Антошка» ва бошқа турдаги болалар аравачаси паспортида Чкалов номидаги самолётсозлик ишлаб-чиқариш бирлашмасида тайёрлангани кўрсатилган. Давлат тасарруфидаги ушбу корхонанинг маҳсулотлари давлат дўконларига эмас, қандай қилиб бозорга, бозорга бўлганда ҳам олиб-сотарлар қўлига ўтиб қолмоқда?

Маҳсулотнинг ноқонуний тарзда сунъий бозорга чиқишининг олдини олувчи, бу жараённи назорат қилувчи бутун бир тизим бундай корхоналарда фаолият кўрсатади.

Энди асосий фикрни билдиришнинг пайти келди. Давлат тасарруфидаги турли корхоналарда тайёрланган болалар аравачалари эгри йўллар билан олиб сотарлар қўлига ўтмай, эркин бозорга эркин тарзда чиққанда эди, уларнинг нархи ҳозиргидан кўра анча эркинроқ, арзонроқ бўларди. Яъни, оилада янги инсон дунёга келгач, ота ёки она бир ойлик маошига эмас, унинг ярми, эҳтимол чорагига болалар аравачасини сотиб оларди. Чунки бозор эркин бўлгач, нарх ҳам эркин бўлади-да. Шунда янги фарзанд кўриб, бахтиёр бўлган ота-оналар кўнглини бозорнинг озорлари хира торттирмас эди.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Баднафслик балодир!

ҲАНУЗ ЎМАРИШГА УРИНМОҚДАЛАР

Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси томонидан нон маҳсулотларини қонунга хилоф равишда олиб кетишнинг олдини олиш бўйича тезкор тадбир ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Андижон, Тошкент ва Сирдарё вилояти божхона хизматларининг юз нафарга яқин ходими иштирок этиб, барча автомобиль йўллари, электропоезд ва темир йўл транспортлари назоратдан ўтказилди. Натижада қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилаётган қарийб 5000 дона қолипланган ва қарийб 1300 дона ёпилган нон олиб қолинди. Хусусан, Тошкент шаҳар божхона хизмати ходимлари Қозоғистон фуқароси Қайрат Тўлегеновни Чилонзор туманига қарашли Байналмилал кўчасида жойлашган 1-сонли «Иссиқ нон» дўконидан 80 дона нон сотиб олаётганда тўхтатдилар.

Ушбу тадбир ўтказилиш жараёнида бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг четга ноқонуний тарзда олиб кетилиши ҳолатлари ҳам аниқланди. Тошкент вилояти божхона хизмати ходимлари 45600 килограмм шакарни, Андижон вилояти божхона хизмати ходимлари 7470 кило 1-навли унни, Сирдарё вилояти божхона хизмати ходимлари эса 3100 килограмм шакар ва 100 килограмм унни республика ташқарисига олиб чиқиб кетилишидан сақлаб қолдилар. Жумладан, Андижон вилояти божхона хизмати ходимлари 1 ноябрь куни С. Латипов бошқарувидаги «КамАЗ» автомашинасида М. Ҳасанбоев деган шахс 158 қопда жами 7110 килограмм унни четга олиб чиқиб кетаётганда тўхтатдилар. Тошкент вилояти божхона хизмати ходимлари Қозоғистон фуқароси А. Пўлатовни 45600 килограмм шакарни пиёзнинг тагига яшириб олиб кетаётганда ушладилар.

Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида божхона хизмати ходимлари қоидабузарлар томонидан қонунга хилоф равишда олиб кетилаётган 683 минг сўмлик нон маҳсулотини олиб қолдилар.

Аниқланган қоидабузарликлар бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун солиқ идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 33-12-56; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи Х. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. Ҳажми 2 босма табоқ. Г -- 0546.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22. 00.

123456.